"Адабиёт хабарлари" ойномасининг 2002 йилнинг 9 июнь сонида Мунир Хамш каламига мансуб ва мавзусида нодир хисобланган "Америка ва дарадаги кизил танлилар" сарлавхали макола чоп этилди. Муаллиф америкаликларнинг ўз ерларини мудофаа килиш учун курашган махаллий халкларни кандай кириб ташланганини каламга олади.

Америкаликлар бор йўги бир нарса – Янги Оламни барпо килиш йўлида осуда хаёт кечириб турган 12 000 000 (ўн икки миллион) кишининг ёстигини куритдилар! Бу бегунох халкларни йўк килиш учун 93 (тўксон уч) марта оммавий киргин куроллари ишлатилган урушлар килинди. (Америкаликлар бу киргинни шундай изохладилар:) "Бу урушлардан сог-омон колган хиндулар, америкаликлар устунлиги йўлида бўлиб ўтган жанглардан кейин, ўз кўллари билан ўз кабрларини казидилар. Чунки, хиндулар уруш оловини биринчи бўлиб ёкдилар ва бу курбонлардан улар жавобгардирлар! Баъзи хиндулар тангрининг казо ва кадари билан европаликлар билан бирга келган касалликлар сабабли вафот этдилар!". Бу сўзлар - ёлгон ва бухтондир!

Кўплаб бегараз изланишлар шуни кўрсатдики, хиндулар хозирги Европанинг ер майдонига яна ярим миллион гектар кўшиладиган катта территорияда яшар эдилар. Европаликлар кириб келишганида хиндуларнинг сони 100 0000 000 (юз миллион) билан 200 000 000 (икки юз миллион) ўртасида эди. Бирок, америкалик тарихчи (барча мустамлакачилар каби) бу сонни 1 000 000 (бир миллион) ёки 2 000 000 (икки миллион) деб кўрсатди. Бу ракамлар тўгри эди. Чунки, бу санок (конли урушлар тугаган) 1900 йилда амалга оширилган хисоботларга кўра эди!

Америка мактабларида ўкитилаётган дарсликларда: "(Афсуски), бу киргин - бандалар хаёлига келтирмаган такдирнинг огир мусибати бўлиб, унга таслим бўлишдан бошка чора йўк эди" дея тушунтирилади! Худди (Япониядаги) Хиросима ва Нагасаки шахарларига Америа Хаво Кучларининг "бургут"лари олий максад - Жахон Урушини тўхтатиш учун ташлаган атом бомбалари каби! Бу бомбабўрон окибатида чакалоклар ва хотин-кизлар бир соат ичида кирилди, шахарлар вайронага айланди, жонли ва жонсиз инвентарлар халокатга учради. Бу, аслида, бир маданият ёйилишининг хошияси ва ёйилиш услуби эди. Агар сиз бу ишнинг айбдорини топмокчи бўлсангиз, америкача фалсафага кўра анави "бахтикаролар"нинг кирилиб кетишидаги ният, максад ва масъулиятга карамай, табиийки, казо ва кадарни айблашингиз керак!! Америка маданияти хакида салбий фикрларни билдириш америкача маданиятдан нафратланиш окибатида пайдо бўлади!!

(Боснциянинг мард ўглони) Алия Иззатбеговичнинг ёзишича, 1865 йилга кадар жорий бўлган ва ўлдирилган кизил танлининг бошига такиб олган патлардан бирини полиция марказига олиб келган одамга мукофот бериш кўрсатилган конун бор эди. Унинг бу килган иши мухитни маданий ва фикрий жихатдан колок бўлган халклардан тозалашга кўшилган катта хисса хисобланарди. Чунки бу иш Ер юзини маданиятсиз кабилалар таркатаётган "пат"лардан тозалаш, демак эди!! "Озодлик диёри" бўлмиш Америка Кўшма Штатлари, бечора кизил танли хиндуларнинг тўкилган конлари устига курилгандир!!

Кўшма Штатлар Армияси 1846 йилда Калифорнияни ишгол килди. Хисоботларга кўра,

хиндуларнинг сони 1769 йилга караганда бир неча баробар ўсган эди. Ишголдан сўнг 20 йил ичида уларнинг 80 (саксон) фоизи кириб ташланди, колганлари эса тахкирловчи конун таъсирида йўк бўлиш даражасига етиб келди. Хаёлий далалар ва олтин конларининг эгаларига сиёсий салтанатни берган халкларнинг мулки, зудлик билан хиндуларни ишлаб чикариш куроли сифатида кул килиш ва уларни, худди илгари Колорадо ва бошка олтинга бой штатларда йўк килинганидек, кириб ташлашга йўналди. Чунки, бу штатлардаги олтинларни ишлаб чикариш учун арзон ишчи кучига катта эхтиёж бор эди. Шунинг учун хинду болаларни ўгирлаш тижорати бошланди. Ўша даврдаги рўзномаларда кулжаллобларнинг кишлокларнинг орка кўчаларидан араваларни ўгирланган болалар билан тўлдириб, Сокрамонто ва Сан-Франциско кул бозорларига олиб кетганлари ёзилган.

Биринчи боскинчилик урушининг илк йиллари нихоясига етиб, кўшимча хизматлар: чўрилик ва фохишалик юмуши учун хотин-кизларни ўгирлаш авж олди. Буни кўрган оталар ва ака-укалар "жиноят" хисобланган гурухларни уюштирдилар. Бу жараёнлар хиндуларнинг талайгина уругларини ота ерларини тарк этиб, кочишга мажбур килди. Одамларни ўгирлайдиган талончилар эса "хайрия гурухларига" бирлашдилар. Чунки улар оталарни ўлдиришар ва бу ишлари билан давлатнинг "исёнчи гурухлар"ни кириб ташлашида ўз хиссасини кўшар эдилар. Шундай килиб, хиндуларни ўлдириш ёки кул килиб сотиш, америкаликлар ёктирган "ахлок" ва "шараф"нинг бир парчасига айланди!

1850 йилнинг бошларида Калифорния Штати мажлисининг биринчи сессиясида кизил танли хиндуларни ўгирлаш ва кул килишнинг конуний эканига кўшимча ўларок, "Хиндуларни химоя килиш конуни"ни тасдиклади. 1860 йилда бу конун, киритилган янги иловага кўра, 10 000 000 (ўн миллион)лаб кизил танлиларни огир ишларда ишлашга мажбур килар эди. Чунки ўзлари ва оилаларини ўрмонлар ва тогларга олиб чикиб кетган "исёнчилар", Америка Кўшма Штатлари деб аталган давлатда яшашар ва Ерларини тортиб олган ЎГРИЛАРнинг конунларига биноан "бошкаларнинг мулкларига тажовуз килган жиноятчилар" макомига тушиб колган эдилар. Хеч канча вакт ўтмади хамки, хиндуларни химоя килиш конуни чикарилди! Бирок, бу конундан вилоят хокими Питер Бернднинг жазаваси тутди ва парламентнинг конун чикарувчи палатасига "Кизил танли хинду иркини кириб ташлаш лозимлиги"ни очик ифодалаган мактуб юборди. Унда жумладан шундай дейилган эди: "Ок танли одам ўз вактини олтин деб хисоблайди. Бирок, у хозирги кунда ўзининг молу мулкини кўриклаш билан овора. Унинг олдида киргинбарот урушдан бошка чора йўкдир. Зотан, уруш бошланди! Энди урушни хиндулар ирки бутунлай йўколиб кетгунига кадар давом эттириш керак!"

Америкаликлар Майя, Азита, Бухатан ва бошка маданиятларни йўк килиб ташлаганликларини тан оладилар. Чунки киргин – уларнинг кучли, "адолатли" ва бошкаларни ўз ахлокий кийматларига биноан мухосаба килишга тайёр бўлган Американи барпо килиш йўлида олиб боришган курашларининг бир бўлагидир!!